

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган

ҚОНУНЧИЛИҚДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ



Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан norma.uz сайтида танишиб чиқишингиз мумкин.

МАЪМУРИЙ ЖАВОБГАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКС: ЖАРИМАЛАР МИҚДОРИДАГИ ЎЗГАРТИРИШЛАР

Ўзбекистон Президенти томонидан 2013 йил 7 октябрда имзоланган ЎРҚ-355-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-га қатор қўшимчалар киритилди.

Хусусан, хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларига бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини юритиш тартибини бузиш тарзидаги ҳуқуқбузарликни такрор содир этганлик учун жариманинг энг кўп миқдори 15 ЭКИХдан 20 ЭКИХгача, бундай ҳисобни олиб бормаслик ёхуд бундай ҳисобни белгиланган тартибни бузган ҳолда олиб бориш, башарти бу ҳаракатлар солиқ суммасини камайтиришга олиб келса, шунингдек белгиланган тартибда солиқ ҳисоботларини тақдим этмаслик, камерал назорат натижалари бўйича аниқланган тафовутлар асосларини ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботини белгиланган муддатда тақдим этмаслик учун 5 ЭКИХдан 10 ЭКИХгача оширилди.

Қорхона ва ташкилотлар мансабдор шахсларига нисбатан фаолият билан лицензиясиз ва тегишли рухсатномасиз шуғулланганлик учун қўлланадиган жарима миқдори 20 ЭКИХгача оширилди.

Болаларни тарбиялаш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик учун жавобгарликни белгилловчи норма энди болаларнинг мажбурий 12 йиллик таълими олишига ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан тўққинлик қилганлик учун 5 ЭКИХдан 10 ЭКИХгача бўлган жарима солиш санкцияси билан тўлдирилди.

Шаҳарсозлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун маъмурий жарима миқдорларини белгилловчи нормаларга ҳам ўзгартиришлар киритилди. Чунончи, лойиҳалаш, қурилиш-монтаж ишларини бажариш талабларини, бинокорлик материаллари, конструкциялари ва буюмларини ишлаб чиқаришда техник регламентлар талабларини бузиш, шунингдек давлат архитектура-қурилиш назорати органларининг кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки ўз вақтида бажармаслик мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 3 бараваридан 5 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади, бундай ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қурилиши тугалланган бинолар ва иншоотларни фойдаланишга қабул қилиш қоидаларини, аҳоли пунктларини ва аҳоли пунктлариаро ҳудудни режалаштириш ва қуриш бош режаларини, лойиҳаларини, тарихий иморатлар жойлашган туманларни реконструкция қилиш режаларини, даҳаларни, мавзеларни ва шаҳарларнинг sanoat зоналарини, қишлоқ аҳоли пунктларини қуриш ва ободонлаштириш сифатини, шунингдек бинолар ва иншоотларнинг архитектура ечимларини бузиш ЭКИХнинг 5 бараваридан 10 бараваригача, ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган бўлса, ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Объектларни давлат экспертизасининг лойиҳасмета ҳужжатлари хусусидаги, шу жумладан иш ҳужжатлари хусусидаги ижобий хулосасисиз, шунингдек давлат архитектура-қурилиш назорати органлари рўйхатидан ўтказмасдан ва уларнинг рухсатномасисиз қуриш мансабдор шахсларга ЭКИХнинг 10 бараваридан 15 бараваригача,

ҳуқуқбузарлик такрор содир этилган бўлса ЭКИХнинг 15 бараваридан 30 бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Қонун расмий эълон қилинган кундан бошлаб – 2013 йил 8 октябрдан кучга кирди.

МАҲАЛЛА МАСЛАХАТЧИЛАРИ УЧУН ЎҚУВ КУРСЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ



Президентнинг 2013 йил 10 октябрдаги ПҚ-2050-сон «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида давлат таълим муассасаси шаклида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув курсларини (кейинги ўринларда Ўқув курслари деб юритилади) ташкил этиш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ва Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонднинг таклифи қабул қилинди.

Ўқув курсларининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгиланди:

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари олдида турган вазифалар, шу жумладан ёшларни маърифатли қилиш ва маънавий-ахлоқий тарбиялаш, касбга йўналтириш, кичик ва хусусий тадбиркорликни, оилавий бизнесни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, жамоатчилик назоратини, табиатни муҳофаза қилишни ташкил этиш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, жамиятда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш соҳаларидаги вазифаларни амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ходимларининг малакасини, касбий ва бошқарув кўникмаларини, ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий таълимларини оширишни ташкил қилиш;

фуқаролар йиғинларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан ижтимоий шериклик механизмларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятини такомиллаштиришга кўмаклашиш.

Қарор билан белгиланишича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Ўқув курслари фаолиятига ташкилий раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси эса ўқув-методик раҳбарликни амалга оширади.

Ўқув курслари юридик шахс ҳисобланади ва Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар

ҳисобидан молиялаштирилади.

Ўқув курсларида фуқаролар йиғинлари раислари, фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари, фуқаролар йиғинларининг масъул котиблари ва «Маҳалла посбони» жамоатчилик тузилмаларининг раҳбарлари малака оширадilar.

АУДИТОРЛАР ЎЗ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТЛАРНИ ЙИЛДА БИР МАРТА ТАҚДИМ ЭТАДИЛАР

Молия вазирининг буйруғи билан (АВ томонидан 9.10.2013 йилда 2515-сон билан рўйхатдан ўтказилган) Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумот шакли ва уни тўлдириш қоидалари тасдиқланди. Аввал амал қилган Аудиторлик фаолияти тўғрисида маълумот шакли ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар (рўйхат рақами 1744, 2007 йил 29 ноябрь) ўз кучини йўқотган деб топилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 4.04.2007 йилдаги «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги ПҚ-615-сон қарорига мувофиқ аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш уларга қўйиладиган мажбурий лицензия талабларидан бири ҳисобланади. Олдингидай маълумот 31 декабрь ҳолатига кўра ушбу белгиланган санадан кейин 20 кундан кечикмаган муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига бево-сита ёхуд уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан почта алоқаси воситаси орқали тақдим этилади.



Маълумотда барча реквизитлар, сатрлар ва устунлар тўлдирилиши лозим. Аудиторлик ташкилотда тегишли маълумотлар мавжуд бўлмаганлиги сабабли у ёки бу сатр (устун), тўлдирилмаган тақдирда, ушбу сатр (устун) чизиб қўйилади. Маълумотни тўлдиришда уларнинг тўлиқ тўлдирилиши ва киритилган маълумотларнинг ишончлилиги таъминланиши лозим.

Қоидаларда аудиторлик ташкилоти раҳбари томонидан имзоланадиган маълумот шунингдек маълумотни тайёрлаган шахс томонидан тўлдирилган сана кўрсатилган ҳолда имзоланади ва аудиторлик ташкилотининг муҳри билан тасдиқланиши аниқлаштирилди.



ЯНГИ ҲУЖЖАТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАМИЗ

Шаклни тўлдириш бўйича техник талаблар белгиланди. Маълумот ахборот технологиялари ёрдамида «Microsoft Word» матн редакторидан фойдаланиб, «Times New Roman» шрифтининг 12 ўлчамини қўллаган ҳолда тўлдирилади.

Ҳужжат билан Президентнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон) мувофиқ аудиторлик ташкилотлари томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш даврийлиги ўзгартирилди. Аудиторлик ташкилотининг амалдаги ишлаган вақтидан қатъи назар, Маълумот ҳисобот йили учун тўлдирилади (олдин амал қилган тартибга мувофиқ мазкур шакл бир йилда икки мартаба – 1 июль ва 31 декабрь ҳолатларига тақдим этилар эди).

Бундан ҳисобот йили давомида аудиторлик ташкилоти раҳбари ўзгарганда «Аудиторлик ташкилоти раҳбари» бобида қўшимча устунлар қўшган ҳолда тегишли сатрларда ҳар бир раҳбар бўйича маълумотлар кўрсатилади.

Ташкилот ходимларининг сони тўғрисидаги маълумотларда ҳисобот йилида аудиторлар билан тузилган (бекор қилинган) меҳнат шартномалари тўғрисида маълумотлар кўрсатилиши керак.

Кўрсатилаётган ходимлар сони мазкур аудиторлик ташкилоти асосий (ўриндошлик асосида ишлаётганларни қўшганда) иш жойи ҳисобланган аудиторлар ва фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишлаётган аудиторлар сонига тақсимланади.

Қоидалар тегишли сатр ва устунларга маълумотларни киритиш юзасидан аниқ йўриқномаларни ўз ичига олган. Ҳужжат Ўзбекистон Аудиторлар палатаси, Ўзбекистон Бухгалтерлар ва аудиторлар миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Бухгалтерлар, аудиторлар ва консультантлар федерацияси билан келишилган.

ҚОИДАЛАР НОРМАГА КЕЛТИРИЛДИ

Электр энергетикада назорат бўйича давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи (АВ томонидан 27.09.2013 йилда 1546-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Электр энергиясини ишлаб чиқариш, узатиш ва тақсимлаш қоидаларига ўзгартириш киритилди.

Ушбу ҳужжат билан Қоидалар илгари қабул қилинган ҳужжатларга – «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун (30.04.2013 йилдаги ЎРҚ-352-сон) ҳамда Президентнинг «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига (16.07.2012 йилдаги ПФ-4453-сон) мувофиқлаштирилди.

Шуни эслатиб ўтамизки, 2012 йил 1 августдан фаолиятнинг 11 турига лицензия олиниши бекор қилинди, улар сирасида ягона энергетика тизими уланадиган турғун электр станцияларида электр энергиясини ишлаб чиқариш ҳам айтиб ўтилган.

Шу муносабат билан ягона электр энергетикаси тизимида уланадиган электр корхоналарининг (электр станциялари, блок-станциялар) электр энергиясини Вазирлар Маҳкамаси томонидан бериладиган лицензия асосида ишлаб чиқариш мажбуриятини белгилловчи норма ўз кучини йўқотди.

Буйруқ 30.09.2013 йилдаги 39 (591)-сон «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами»да расман эълон қилинган кундан кучга кирди.

Тақдим этилган ҳужжатларга қисқача шарҳларни эксперт-юрисгимиз Елена ЕРМОХИНА тайёрлади.

БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР

НОРЕЗИДЕНТНИНГ ХАТОСИ

Қандай аломатларга кўра ваколатхонанинг фаолияти доимий муассаса фаолиятига киритилиши мумкин?

Ваколатхона ходими.

– Аудиторлик текширишлари, шунингдек назорат қилувчи ташкилотлар томонидан текширишларда ваколатхоналарни ҳимоя қилиш бобидаги амалий тажрибамиз ҳозирги вақтда ваколатхоналар томонидан тадбиркорлик фаолияти амалга оширилишини (доимий муассаса ташкил этишни) кўрсатувчи аломатларнинг муайян рўйхатини қайд этиш имконини беради. Кўрсатилган рўйхат мазкур соҳада солиқ органларининг фаоллиги ва ваколат доираси ошишига қараб доимо кенгайиб борапти. Мазкур жавобда биз анча кенг тарқалган, энг бошланғич босқичда, ваколатхона эндигина аккредитацияланганда содир этиладиган хатолардан бирини келтираемиз.

Вазият. Норезидент компаниянинг устави ёки бошқа асос бўлувчи ҳужжатлари билан белгиланган асосий фаолияти бўлиб ахборотни йиғиш, уни қайта ишлаш ва (ёки) тарқатишни амалга ошириш (сотиш ҳуқуқисиз), маркетинг, реклама ёки компаниялар гуруҳи (холдинг) томонидан ишлаб чиқариладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бозорини ўрганиш ҳисобланади.

Хатарлар. Чет эл давлати ҳудудидаги ҳар қандай тижорат компанияси ваколатхонасининг асосий мақсади, албатта, бош компаниянинг манфаатларини ҳимоя қилиш ва унинг фаолияти билан таништириш ҳисобланади. Айни шу сабабли ЎзР Солиқ кодекси (СҚ)нинг 20-моддасида белгиланишича, доимий фаолият жойини фақат ахборот тўплаш, уларга ишлов бериш ва (ёки) тарқатиш (сотиш ҳуқуқисиз), Ўзбекистон Республикаси норезидентнинг товарлари (ишлари, хизматлари) маркетингини олиб бориш, уларни реклама қилиш ёки уларнинг бозорини ўрганиш учун, **агар бундай фаолият норезидентнинг асосий фаолияти бўлмаса**, сақлаб туриш норезидентнинг доимий муассасаси барпо этилишига олиб келмайди.

Шу сабабли, агар бош компаниянинг

Шунга эътибор қаратиш лозимки, берилган саволни тадқиқ қилиш жараёнида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар синчиклаб ўрганилганлигига қарамай, чоп этилаётган жавоб профессионал маслаҳат ҳисобланмайди. У саволни унда баён этилган вазиятни қандай тушунишларидан келиб чиқиб ўрганган шахсларнинг фикрини ифодалайди.

Ушбу материалда баён этилган фикр масалани қўшимча ўрганиш ва кейинчалик муҳокама қилиш учун имконият қолдиради. Ҳар қандай ҳолда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни муайян тарзда қўллаш олдидан айрим ҳолларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиш ва вазиятнинг мақбул ечимини топиш учун профессионал маслаҳат олиш мақсадга мувофиқдир. Аввал семинарга келинг. **Тафсилотлар norma.uz сайтининг «Семинарлар» бўлимида.**

Гўзал ИСЛОМОВА, «BAKER TILLY Tashkent» МЧЖ аудиторлик компанияси бошқарувининг раиси.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҮЙИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	14.10.2013	1	0,7843	1	1,0637	1	0,0243
Арманистон	11.10.2013	1	408,14	1	554,17	1	12,66
Беларусь	14.10.2013	1	9150,00	1	12410,00	1	283,50
Грузия	14.10.2013	1	1,6682	1	2,2634	100	5,1786
Қозоғистон	14.10.2013	1	153,70	1	208,19	1	4,77
Қирғизистон	14.10.2013	1	48,6921	1	66,0679	1	1,5116
Латвия	14.10.2013	1	0,519000	1	0,702804	1	0,016100
Литва	15.10.2013	1	2,5452	1	3,4528	1	0,078878
Молдова	14.10.2013	1	13,1581	1	17,7997	1	0,4077
Россия	12.10.2013	1	32,2133	1	43,6039	–	–
Тожикистон	14.10.2013	1	4,7700	1	6,5021	1	0,1499
Украина	14.10.2013	100	799,3000	100	1084,3304	10	2,4813
Эстония	31.12.2010	1	11,7107	1	15,6466	1	0,383246

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 15 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

1 Австралия доллари.....	2046,50	1 Польша злотийси.....	701,43
1 Англия фунт стерлинги.....	3458,02	1 СДР.....	3320,18
1 Дания кронаси.....	393,55	1 Туркия лираси.....	1091,30
1 БАА дирҳами.....	589,13	1 Швейцария франки.....	2379,40
1 АҚШ доллари.....	2163,83	1 ЕВРО.....	2936,66
1 Миср фунти.....	314,05	10 Жанубий Корея вони.....	20,16
1 Исландия кронаси.....	17,78	10 Япония иенаси.....	220,21
1 Канада доллари.....	2089,65	1 Россия рубли.....	67,17
1 Хитой юани.....	353,83	1 Украина гривнаси.....	270,72
1 Малайзия рингити.....	681,09		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

УШБУ
СОҢДА

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
- Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
- Валюталар курси **1-2-бетлар**
- ЮРИДИК МАСЛАХАТЛАР
- Норезидентнинг хатоси **2-бет**
- ХУЖАЛИК ҲУҚУҚИ
- Агар ўринбосар манфаатдор бўлса...

- Кредит шартномаси қандай бўлиши керак?
- Йирик битим: маъқуллаш зарур бўлганда
- Мол-мулкни баҳолаш бошланадиган сана
- Давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб **3-бет**
- КАДРЛАР БЎЛИМИ
- Ижтимоий кафолатларсиз меҳнат ҳуқуқи

- Касаба уюшмасига муқобил кенгаш **4-бет**
- ҲИСОБОТГА ТАЙЁРЛАМАМИЗ
- Курувчилар сони ҳисобга олинади **5-6-бетлар**
- ОИЛА МУНОСАБАТЛАРИ
- Васият қилган маъқулми ёки ҳада қилган?

- Мерос қолдирувчи ўз хоҳишини ўзгартиради
- Фақат ўз мулкнингизни васият қилинг
- Васиятнома – муддатсиз ҳужжат **7-бет**
- КРИМИНАЛИСТ ЭКСПЕРТ
- ЁН ДАФТАРИДАН
- «Ё ҳаёт, ё машина?» **8-бет**

АЖ директори хизмат сафаридалигида унинг шартномалар тузишга ишончномаси бўлган уринбосари мустақил равишда, кузатув кенгаши билан келишилмасдан 50 млн сўмлик қурилиш ишларини бажаришга МЧЖ билан шартномани имзолади, уринбосар МЧЖнинг устав фондида 30 фоизлик улушга эга. МЧЖнинг ҳисоб-китоб рақамига 25 млн сўм бўнак ўтказилди.

Сафардан қайтгач, раҳбар пудрат шартномасини бекор қилишни талаб қилди, чунки унда пудрат ишлари суммаси ошириб юборилган эди. Биз МЧЖга хат ёздик. Бироқ МЧЖ раҳбарияти шартномани бекор қилишдан бош тортди.

Биз қандай қилиб шартномани бекор қилишимиз ва тўланган бўнакни қайтариб олишимиз мумкин?
Ф.Ҳақимова, МЧЖ бош бухгалтери.

АГАР ЎРИНБОСАР МАНФААТДОР БЎЛСА...

– Мазкур вазиятда АЖ директори ўринбосарининг пудрат шартномасини тузишдан очиқдан-очиқ манфаатдорлиги кўзга ташланади. “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг (26.04.1996 йилдаги 223-1-сон, бундан кейин - Қонун) 91-моддасига кўра жамият томонидан амалга ошириладиган битимдан манфаатдор шахс деб жамиятнинг бошқариш органларида мансабга эга бўлган ёки юридик шахс акцияларининг (улушлари, пайларининг) 20 ёки ундан ҳам кўпроқ фоизига эга бўлган шахс эътироф этилиши мумкин.

Қонуннинг 92-моддасига мувофиқ директор ўринбосари акциядорлик жамиятининг кузатув кенгаши эътиборига ўзининг битимдан манфаатдор эканлигини етказиши керак эди, чунки у МЧЖнинг устав фондида 20%дан кўп улушга эгадир. Ушбу ҳолда Қонуннинг 93-моддасига асосан битимни тузиш тўғрисидаги қарорни АЖ кузатув кенгаши қабул қилиши шарт.

Юқорида баён этилганларга биноан бундай битим суд томонидан қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келмаганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (Қонуннинг 94-моддаси).

Агар хўжалик суди бундай битимни ҳақиқий эмас деб топса, унга нисбатан Фуқаролик кодекси 114-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланади, унда агар битим ҳақиқий эмас деб топилса, тарафларнинг ҳар бири томонидан бошқа тарафга битим бўйича олинган барча нарсаларни қайтариш мажбурияти белгиланган.

КРЕДИТ ШАРТНОМАСИ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

1. МЧЖ банк билан кредит шартномасини тузди, унда учинчи шахс – хусусий корхона томонидан кўчар мулк тарзида гаров таъминоти берилиши назарда тутилган. Кредит шартномасини имзолаш пайтида банкда хусусий корхонадан кредит шартномасини таъминлаш гарови сифатида мол-мулкни тақдим этишга розилиги тўғрисида кафолат хатигина бор эди. Бундай кредит шартномаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқми?

Х.Д., банк ходими.

2. Корхона ҳамкорнинг кредит шартномаси бўйича гаров берувчи бўлди. Бинолар ва кўчмас мулкнинг бошқа объектлари гаров нарчаси ҳисобланди. Кредит шартномаси матнида корхона гаров берувчи ҳисобланиши ёзилган, гаров тўғрисидаги шартномада эса фақат гаров нарчаси ва унинг жойлашган жойи кўрсатилган. Кредит шартномасининг гаров таъминоти сифатида ипотека қандай расмийлаштирилиши керак?

Т.Қурбонов, юрисконсулт.
Қорақалпоғистон Республикаси.

– Аввало шуни айтиш лозимки, кафолат хати фақат битим тузиш ниятини ифодалаши мумкин. Кафолат хати уни тузиш исбот-далили ҳисобланмайди, чунки битимлар фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда тузилиши керак.

Фуқаролик кодекси (ФК) 271-моддасининг ва “Гаров тўғрисида”ги Қонун (9.12.1992 йилдаги 736-ХII-сон, 1.05.1998 йилдаги 614-1-сон Қонун таҳририда, бундан кейин - Қонун) 10-моддасининг мазмунига кўра гаров тўғрисидаги ёзма шартнома мустақил гаров шартномаси шаклига эга бўлиши ёки кредит шартномасининг бир қисми бўлиши мумкин. Агар гаров мажбурияти кредит шартномасида келтирилган бўлса, у ФКнинг 271-моддаси ва Қонуннинг 10-моддасида белгиланган гаровнинг зарур ҳуқуқий

шартларини ўз ичига олиши керак. Бунинг маъноси шуки, гаров тўғрисидаги шартномада гаров нарчаси ва унинг баҳоси, моҳияти, миқдори ва гаров билан таъминланадиган мажбуриятнинг бажарилиш муддати кўрсатилган бўлиши керак. Унда гаровга қўйилган мол-мулк тарафларнинг қайси бирида эканлиги ҳам кўрсатилиши шарт. Кредит шартномаси таркибига киритилган гаров мажбурияти тегишли (кўчар ёки кўчмас) мулк гарови тўғрисидаги шартномадек тартибда, агар қонун ҳужжатларида бундай шартномаларни рўйхатдан ўтказиш назарда тутилган бўлса, рўйхатдан ўтказилиши керак.

1. Агар кредит шартномасига киритилган гаров мажбурияти ФК (271-модда) ва Қонун (10-модда) талабларига жавоб берса, кўчар мулк гарови тўғрисидаги қонидани назарда

тутувчи бундай кредит шартномаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ деб ҳисобланади ва лозим даражада бажарилади.

2. Агар ипотека тўғрисидаги қонидани ўз ичига олган кредит шартномаси нотариал тартибда тасдиқланмаган ва давлат рўйхатидан ўтказилмаган бўлса, бу ҳол ФКнинг 271-моддаси ва “Ипотека тўғрисида”ги Қонун (4.10.2006 йилдаги УРҚ-58-сон) 12-моддаси талабларини бузиш ҳисобланади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, қонун талаб этадиган битим шаклига (нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш) риоя этмаслик ФКнинг 115-моддасига кўра кредит шартномаси қонидаларини уни таъминлашга кўчмас мулкни гаров қилиб бериш қисмида ҳақиқий эмас деб топиш учун асос ҳисобланади.

Павел СИЛЬНОВ, адвокат.

ЙИРИК БИТИМ: МАЪҚУЛЛАШ ЗАРУР БЎЛГАНДА

Бизнинг МЧЖ буюртмачи билан пудрат шартномаси тузишни режалаштиряпти. Биз йирик битим тўғрисида қарор қабул қилишимиз керакми?

В.Аҳмедов.

– Агар пудратчи жамият уставда назарда тутилган одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида пудрат шартномасини тузса, шартнома жамият учун йирик битим ҳисобланмайди ва “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг (6.12.2011 йилдаги 310-II-сон, бундан кейин - МЧЖ тўғрисидаги Қонун) 44-моддасида назарда тутилган тартибда қарор қабул қилишни талаб қилмайди.

Агар пудрат шартномасини тузиш жамиятнинг одатдаги хўжалик фаолияти учун хос бўлмаса, у йирик битим тузиш масаласини ўзининг хоҳишига кўра ҳал қилади. Агар унга доир ишларга ҳақ тўлаш ҳажми битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан аввалги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида белгиланган жамият мол-мулкни қийматининг 25 фоизи ва ундан кўпни ташкил қилса, пудрат шартнома-

сини йирик битим сифатида маъқуллаш тавсия қилинади.

Умумий қоидага кўра жамиятнинг йирик битим тузиш тўғрисидаги қарорни иштирокчиларнинг умумий йиғилиши қабул қилиши керак. Бироқ, агар жамиятда кузатув кенгаши ташкил этилган бўлса, қиймати жамият мол-мулкни қийматининг 25%идан 50%гача қисмини ташкил этадиган мол-мулкни жамият томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита харид қилиш, бошқа шахсга ўтказиш ёки ўтказиш имконияти билан боғлиқ йирик битимларни маъқуллаш тўғрисида қарорлар қабул қилишни устав унинг ваколат доирасига киритиши мумкин (МЧЖ тўғрисидаги Қонун 44-моддасининг тўртинчи қисми).

МОЛ-МУЛКНИ БАҲОЛАШ БОШЛАНДИГАН САНА

Корхонамиз масъулияти чекланган жамият бўлиб, 2013 йил 16 сентябрда рўйхатдан ўтказилган. Биз 30 сентябрда мол-мулк олди-сотди шартномасини тузишни режалаштирдик ва ушбу шартнома йирик битим бўлади деб ҳисоблаётимиз. Шартномага йирик битим тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун жамият ўз мол-мулкнинг қийматини қайси санага белгилаши лозим?

И.Гришина.

– Жамиятда ўтган давр учун бухгалтерия ҳисоботи йўқлиги сабабли мол-мулк қийматини жамият барпо этилган санадаги бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида ҳисоблаш мумкин.

Қонунга кўра бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинадиган кундан олдинги охириги ҳисобот даври учун бухгалтерия ҳисоботлари маълумотлари асосида аниқланган жамият мол-мулкни умумий қийматининг 25 фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мулкни жамиятнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки жамият бевосита ёхуд билвосита мол-мулкни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади. Жамиятнинг уставда йирик битимларнинг анча катта миқдори ҳам назарда тутилиши мумкин (6.12.2011 йилдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги 310-II-

сон Қонун 44-моддасининг биринчи қисми).

Янгидан ташкил этилган ташкилотлар учун юридик шахс ҳуқуқи қўлга киритилган кундан бошлаб тегишли йилнинг 31 декабрига қадар бўлган давр, 1 октябрдан кейин рўйхатга олинган, кейинги йилнинг 31 декабрига бўлган давр биринчи ҳисобот йили ҳисобланади (30.08.1996 йилдаги 279-1-сон “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуннинг 18-моддаси; АВ томонидан 14.08.1998 йилда 474-сон билан рўйхатдан ўтказилган 1-сон БҲМС “Ҳисоб сифати ва молиявий ҳисобот”нинг 60-61-бандлари).

Битим тузилган кундан олдинги ҳисобот даври учун масъулияти чекланган жамият бухгалтерия ҳисоботи эга бўлмаса, битим йирик битим ҳисобланиши ёки ҳисобланмаслигини аниқлаш учун жамият барпо этилган санадаги бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш мумкин.

Елена ЕРМОХИНА, эксперт-юрисгимиз.

Ташкилотимизга товар ҳақини тўлашди. Биз юкни жўнатишга юкхат ва ҳисобварақ-фактура ёзиб бердик. Ана шу даврда харидор қайта ташкил этиш жараёнида эди. Энди харидор ҳужжатларни ташкилотнинг янги номига ўзгартиришни сўраяпти. Бу вазиятда биз илгари ёзилган ҳужжатларни тузатишдан бош тортишга ҳақли бўламизми?

Д.Мансурова, бухгалтер.

ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛГАН КУНДАН БОШЛАБ

– Агар юкхат ва ҳисобварақ-фактура ёзилган санада қайта ташкил этиш ҳали амалга оширилмаган бўлса, сотувчи харидорга расмийлаштирилган ҳужжатларни тузатмасликка ҳақли. Агар юкхат ва ҳисобварақ-фактура ёзилган санада қайта ташкил этиш билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилган бўлса, сиз ёзган ҳужжатларни ўзгартириш лозим, чунки ушбу ҳолда харидор юридик шахс сифатида мавжуд бўлмаётган эди.

Мазкур ҳулоса қонун ҳужжатларининг қуйидаги меъёрларига асосланади. Фуқаролик кодекси (ФК) 49-моддасининг бешинчи қисмига мувофиқ қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш ҳолларини истисно қилганда, янгидан вужудга келган юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юридик шахс қайта ташкил этилган ҳисобланади.

Қайта ташкил этилаётган юридик шахс кредиторларни бундан ёзма тарзда хабардор қилиши шарт.

ФК 43-моддасининг олтинчи қисмига кўра таъсис ҳужжатларидаги ўзгартишлар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунда белгиланган ҳолларда эса – давлат рўйхатидан ўтказишни амалга оширувчи орган ана шундай ўзгартишлар ҳақида хабардор қилинган пайтдан бошлаб учинчи шахслар учун кучга эга бўлади.

Ҳозирги пайтда давлат компаниясида 5 филиал барпо этилган ва 5 шўба корхона (ШК)ни давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни амалга ошириляпти.

Компанияда 2 штат бирлигидан иборат юридик бўлим бор. Филиаллар ва ШКларда ўз штат жадваллари мавжуд бўлиб, ана шу штат жадвалларига кўра барча филиаллар ва ШКларда 0,5 ставка иш ҳақи тўланадиган юрисконсулт лавозими назарда тутилган.

Саволимга жавоб берсангиз: компания юридик хизматининг ходимлари 0,5 ставка шартларида филиаллар ва ШКларга фуқаролик-ҳуқуқий шартнома (битим) асосида юридик хизматлар курсатишлари мумкинми?

А. Аулов,
директор ўринбосари.

ИЖТИМОЙ КАФОЛАТЛАРСИЗ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ

– Ҳуқуқни қўллаш амалиётида жисмоний шахслар билан предмети ишлар бажариш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобланган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузиш анча кенг тарқалган. Кўпчилик иш берувчилар фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар уларга бундай шартномаларни бекор қилиш бўйича кенг имкониятлар бериши, ходимларга қўшимча тўловлар тўлашга олиб келмаслиги боис бу хил шартномаларни афзал кўрадилар.

Бундай шартномаларга, масалан, қуйидагилар қиради: пудрат шартномаси (Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 631-моддаси);

хизматларни ҳақ эвазига кўрсатиш шартномаси (ФКнинг 703-моддаси).

Фуқаролик-ҳуқуқий шартномаларга топшириқ (ФКнинг 817-моддаси) ва воситачилик (ФКнинг 832-моддаси) шартномаларини ҳам киритадилар.

Фуқаролик-ҳуқуқий ва меҳнат шартномаларининг нисбати қўллаш нуқтаи назаридан олганда доимо бир талай саволларни туғдирган. Бу улар бўйича бериладиган кафолатларнинг турли ҳажмдалиги билан боғлиқ.

Умуман олганда, қонун ҳужжатлари иш берувчи ва ходимнинг меҳнат қонунчилиги билан бир қаторда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришишни тақиқламайди. Бироқ бу юридик шахсларни умумбелгиланган солиқлар тўловчиларига ёки солиқларни соддалаштирилган тартибда тўловчиларга киритиш билан боғлиқ (Солиқ кодекси (СК)нинг 350-моддаси). Масалан, агар ходимларининг сони бўйича улар қонун ҳужжатлари билан белгиланган, ягона солиқ тўлови тўлашни назарда тутадиган мезонларга мувофиқ келишса. Шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг “Бошқарув ходимлари сонини тартибга солиш ва уларга сарфланадиган харажатларни мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори (22.08.2003 йилдаги 363-сон) 4-бандида бюджет маблағлари ҳисобига ҳамда хўжалик фаолиятдан ажратмалар ҳисобига молияланадиган давлат ва хўжалик бошқаруви республика ва ҳудудий органларининг чегараланган умумий сонини белгиланган тартибда тасдиқлаш бўйича чегаралаш мавжуд.

Меҳнат муносабатларини расмийлаштириш ҳусусида тартиб бўйича мулоҳаза юритамиз. Аввал филиаллар ва ШКларда компания (юқори ташкилот) юридик хизмати ходимларининг иши тўғрисида. Улар бўйсунувдаги ташкилотда улар билан фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар тузилиши шарт билан штатдан ташқари ходим сифатида ишлаш оладилар.

Энди фуқаролик-ҳуқуқий шартномаси, масалан ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш шартномасини расмийлаштириш тўғрисида. Бу ҳолда ташкилот жисмоний шахс билан меҳнат муносабатлари эмас, балки фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар ўрнатади. Яъни у ўзи учун қулай бўлган ишлар вақтда ишлайди, ўз меҳнатининг натижалари эса ишлар (хизматлар)ни қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича топширади ва, мисол учун, ЭКИХнинг 5 баравари ҳисобидан (белгиланган меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида) ҳақ олади. Эслатиб ўтамай, кўрсатилган шартномалар доирасида тўловлар СК 143-моддасининг 3-бандига асосан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибида ҳисобга олинади.

Ва охириги, фуқаролик-ҳуқуқий шартномада асосийси – меҳнат ҳуқуқи атамаларидан фойдаланмаслик. Унда тарафларни “ходим” ва “иш берувчи” деб эмас, балки “ижрочи” ва “буюртмачи” деб аташ керак. “Иш ҳақи” ўрнига “бажарилган иш (кўрсатилган хизмат) учун ҳақ” иборасидан фойдаланиш лозим. Ижрочиға нисбатан буйруқлар чиқариш, иш вақтини ҳисобга олиш табелини юритиш керак эмас. Бунда унга фақат меҳнат шартномаси (контракти)га хос бўлган меҳнатга оид имтиёзлар ва ижтимоий кафолатлар берилмайди.

КАСАБА УЮШМАСИГА МУҚОБИЛ КЕНГАШ

Корхонамизнинг меҳнат жамоаси 25 ходимдан иборат. Корхонада касаба уюшмаси ташкилоти йўқ.

Меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида, хусусан МКнинг 21-моддасида белгиланишича, корхонадаги касаба уюшмалари ва уларнинг сайлаб қўйиладиган органлари ёки ходимлар сайланадиган бошқа органлар ходимларнинг манфаатларини меҳнат муносабатларида ифодаладилар ва уларни ҳимоя қиладилар. Сайлаш тартиби, улар ваколатларининг муддатлари ва миқдорий таркиби меҳнат жамоасининг йиғилиши (конференцияси) томонидан белгиланади. Ходимларнинг ўзлари улар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишни ишониб топширадиган органни белгиладилар.

Ходимларимиздан ана шундай органни, яъни ходимларнинг манфаатларини меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши ифодалаши ва уларни ҳимоя қилиши мумкин бўлган органни сайлаш тўғрисида таклиф келиб тушди. Шу муносабат билан бизда саволлар туғилади.

Агар вакиллик органи умумий йиғилиш томонидан сайланган ва унинг ваколатлари белгиланган бўлса, у ҳақда низом ишлаб чиқиш мажбурийми ва ушбу орган (ёки у ҳақидаги низом) рўйхатдан ўтказилиши керакми ва у қаерда амалга оширилади?

Меҳнат жамоалари томонидан сайланадиган вакиллик (касаба уюшмаси эмас) органларини барпо этадиган, фаолиятини тартибга соладиган бошқа, МКдан ташқари, меъёрий ҳужжатлар ёки бирор-бир тавсиялар мавжудми?

МКнинг 19-моддасига кўра бевосита меҳнат жамоасининг ўзи – ходимларнинг умумий йиғилиши (бирор-бир вакиллик органларини сайламасдан) ходимларнинг манфаатларини ифодалаши ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши мумкинми (корхонамиз жамоаси аъзоларининг камлигини ҳисобга олганда)?

Е.Гулмитдинова.

– Амалиётда сизнинг мисолингизда бўлганидек, корхона ходимлари бирор-бир ташкилотга бирлашмаган ҳолатлар мавжуд.

Бундай ҳолатларда ходимлар орасидан бошқа вакил (вакиллик органи), масалан, Меҳнат жамоаси кенгаши (3 аъзодан иборат таркибда) сайлаши мумкин.

Ушбу Кенгашни сайлаш тартиби, унинг ваколатлари муддати ва миқдор таркибини меҳнат жамоасининг йиғилиши (конференцияси) белгилайди. Ходимлар вакиллик қилишни ҳамда ўз манфаатларини ҳимоя этишни ишониб топширадиган органни ўзлари белгиладилар (Меҳнат кодексининг 21-моддаси, бундан кейин – МК). Масалаларни улар ўзларига (меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида тасдиқланган низомга биноан) берилган ваколатларга кўра ўтказиладиган мажлисларда ҳал этишлари мумкин.

Мазкур модданинг мазмуни Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг Корхонада меҳнаткашларнинг вакиллари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга бериладиган имкониятлар тўғрисидаги 135-сон конвенциясининг (Женева шаҳри, 23.06.1971 йил, Ўзбекистон Республикаси учун 1997 йил 15 декабрдан кучга кирган) энг муҳим қоидаларини акс эттиради.

Унда “меҳнаткашларнинг вакиллари” тушунчаси, улар фаолиятининг мақоми ҳамда меҳнаткашларнинг вакилларини улар фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ҳар қандай ҳаракатларга қарши ҳимоя қилишга доир самарали чоралар, шу жумладан уларни ноқонуний ишдан бўшатишлардан ҳимоя қилиш очиб берилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг барча турлари ва ташкилий-ҳуқуқий шакллари учун “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун (14.04.1999 йилдаги 763-1-сон, бундан кейин – ННТ тўғрисидаги Қонун) базавий, универсал қонун ҳисобланади. Ушбу Қонун нотижорат ташкилотлари фаолияти, мақсадлари, аъзоларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, уларни барпо этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш тартибини белгилайди. ННТ тўғрисидаги Қонун томонидан давлат билан нотижорат ташкилотлари ўртасидаги муносабатлар тартибга солинади ҳамда айрим ташкилий-ҳуқуқий шаклларга тааллуқли меъёр ва қоидалар янада батафсил ишлаб чиқилган.

Фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузишга доир конституциявий ҳуқуқини мустаҳкамлаган яна бир аҳамиятли қонун ҳужжати “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун шубҳасиздир (15.02.1991 йилдаги 223-ХII-сон).

Кўрсатилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан бир қаторда “Нодавлат нотижорат ташкилотлари

фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун (3.01.2007 йилдаги ЎРҚ-76-сон) нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига кафолатлар бериш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишни таъминлаш, мазкур ташкилотларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиди.

Нотижорат ташкилотларининг таъсис ҳужжатлари тўғрисидаги қоидалар юридик шахсларнинг таъсис ҳужжатлари тўғрисидаги умумий қоидалардан келиб чиқади. ННТнинг таъсис ҳужжатлари бўлиб таъсис шартномаси, устав ёки устав билан биргаликда таъсис шартномаси бўлиши мумкин. Баъзи ННТлар қонунда назарда тутилган ҳолларда шу турдаги ташкилотлар ҳақидаги умумий низом асосида иш олиб бориши мумкин. Баъзан муайян ташкилотнинг моҳиятига кўра, ўзининг устави бўлган таъсис ҳужжати “Низом” деб номланади (Фуқаролик кодексининг 43-моддаси).

Уставни қабул қилиш ва ННТ раҳбар органларини ташкил этиш тартиби ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 15-моддаси билан белгиланади. Ушбу модда қоидаларига кўра нотижорат ташкилотининг ташаббускорлари ёки муассислари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда устав қабул қилинади ҳамда раҳбар органлари тузилади. Ушбу тартибни ННТ икки ёки ундан кўп миқдордаги муассислар томонидан барпо этиладиган барча ҳолларга қўллаш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилоти, ННТ тўғрисидаги Қонуннинг 21-моддаси талаб қилганидек, нодавлат нотижорат ташкилоти адлия органларида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс ҳуқуқини олади.

Шуни таъкидлаш лозимки, ташкилотлар давлат рўйхатидан ўтмасликка ҳақли. Ушбу ҳолда улар юридик шахснинг ҳуқуқларига эга бўлмайдилар, бироқ рўйхатдан ўтмаслик ва бунинг оқибатида юридик шахс мақомининг бўлмаслиги уларнинг ходимлар манфаатларини ифодалаш ва ходимларнинг ижтимоий-меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ваколатлари доирасини торайтирмайди (Фуқаролик процессуал кодексининг 33, 50, 53, 54 ва ҳоказо моддалари; Жиноят-процессуал кодексининг 40, 42, 44 ва ҳоказо моддалари).

Ходимлар вакиллик органларининг ҳуқуқлари МКнинг 23-моддаси билан тартибга солинган.

Ваколатларни меҳнат жамоасининг ўзига, яъни ходимларнинг умумий йиғилишига бериш ва ҳар бир масала бўйича бутун меҳнат жамоасини йиғиш нотўғри, чунки ходимларнинг вакиллик органлари ҳуқуқларининг амалга оширилиши корхонада меҳнат самарадорлигини пасайтирмайди, ўрнатилган тартиб ва иш режимини бузмайди керак (МК 23-моддасининг учинчи қисми).

ҚУРУВЧИЛАР СОНИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ УЧУН ХОДИМЛАР СОНИ ВА МЕҲНАТГА ҲАҚ ТЎЛАШ ФОНДИ ТЎҒРИСИДАГИ МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБ

Ходимлар сони ва МҲТФнинг энг кам меъёри бўйича солиқ ҳисоботини тайёрлашга доир материалларимиз мавзусини давом эттирган ҳолда «Norma Ekspert» мутахассислари қурилиш ташкилотлари учун солиқларни қўшимча ҳисоблашга доир тўшунтиришларни тайёрладилар.

Ходимлар сонининг энг кам меъёрларини қўллаш ва солиқларни қўшимча ҳисоблаш мақсадида қурилиш ташкилотларига ҳисобот чораги якунларига кўра асосий фаолият тури қурилиш ишларининг қуйидаги турини бажариш ҳисобланадиган юридик шахслар киради:

барча турдаги бинолар, спорт иншоотларини қуриш, таъмирлаш ва реконструкция қилиш, шунингдек қурилиш майдончаларидаги йиғма қурилиш конструкцияларини монтаж қилиш;

бинолар ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишда қурилиш участкасини тайёрлаш;

бино ва иншоотларнинг ҳар хил турлари учун умумий бўлган, махсус малака ва асбоб-ускуналарни талаб қилувчи, бир йўналишда ихтисослашган қурилиш фаолияти (пойдеворларни қуриш, шу жумладан қозикоеқларни қоқиш; ўзи ишлаб чиқармаган пўлат конструкцияларни монтаж қилиш; арматура каркаслари элементларини эгиш; ғишт ва бошқа тошларни териш; ёғоч-тахта ва ҳавозаларни, шу жумладан ижарага олинадиганларини ўрнатиш ва демонтаж қилиш; ўзи ишлаб чиқармаган фасад каркасларини монтаж қилиш ва ўрнатиш);

бино ва иншоотларни қуриш ва реконструкция қилишда муҳандислик ускуналарини ўрнатиш;

бино ва иншоотларни қуришда пардоз берувчи ва бошқа якуний ишларни бажариш;

аҳоли буюртмаларига кўра турар жойлар (квартиралар), шунингдек

ноишлаб чиқариш тусидаги бинолар (хоналар)ни таъмирлаш.

Қурилиш ташкилотлари ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги маълумотнома-ҳисоб-китобни¹ қуйидаги тартибда тўлдирадилар.

010-сатрда асосий ходимлар (қурувчи ишчилар) сонининг энг кам меъёрлари кўрсатилади. Улар таркибига объектда асосий қурилиш ишини бажариш билан банд бўлган барча касбдаги ишчилар (пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотлар бажарадиган ишларни ҳам қўшган ҳолда) киради, пудрат ва ёрдамчи пудрат ташкилотларга лойиҳа, транспорт, экспедиция ва бошқа хизматларни кўрсатувчи бошқа ташкилотлар ходимлари бундан мустасно.

Объектдаги қурилиш ишларида банд бўлган қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрлари қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$XСнорм = МС / БМ / ИВФ,$$

бунда:

XСнорм – ташкилотдаги қурувчи ишчиларнинг ўртача ойлик энг кам сони меъёри;

МС – шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ объектда қурилиш ишларини бажаришда меҳнат сарфи (киши-соат);

БМ – пудрат қурилиш шартномаси асосига мувофиқ қурилиш ишларини бажариш муддати (ой);

ИВФ – ҳар бир қурувчи ишчига 6



кунлик иш ҳафтасига ўртача ойлик иш вақтининг фонди (2013 йилда – 168,5 соат).

Қурилиш ташкилотларида қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрларини аниқлашда ҳосил бўлган каср сонлар яхлитлаш қоидаларига кўра бутун сонга яхлитланади.

МИСОЛ. Қурилиш ташкилоти икки қаватли супермаркет биносини қурмоқда.

Тасдиқланган сметага мувофиқ объект қурилишига қурувчи ишчилар меҳнати сарфи 6 524 киши-соатни ташкил этади. Қурилиш муддати – 4 ой.

Қурувчи ишчилар ўртача ойлик сонининг энг кам меъёри 10 кишини ташкил этади (6 524 / 4 / 168,5).

Агар қурилиш ташкилоти бир вақтнинг ўзида бир нечта объект қураётган бўлса, ходимлар сонининг меъёрлари юқоридаги

формулага кўра барча қурилиш объеклари бўйича белгиланади.

МИСОЛ. Қурилиш ташкилоти бир вақтнинг ўзида иккита объектни қурмоқда:

уч қаватли савдо комплекси. Тасдиқланган сметага кўра уни қуришга қурувчи ишчиларнинг меҳнати сарфи – 12 399 киши-соат, қурилиш муддати – 4 ой;

икки қаватли офис. Тасдиқланган сметага кўра қурувчи ишчиларнинг меҳнати сарфи – 8 526 киши-соат, қурилиш муддати – 3 ой.

Ҳар бир объект бўйича алоҳида қурувчи ишчиларнинг ўртача ойлик сони энг кам меъёрлари қуйидагиларни ташкил этади:

савдо комплексида – 18 киши (12 399 / 4 / 168,5);

офис биносидида – 17 киши (8 526 / 3 / 168,5).

Умуман корхона бўйича қурувчи ишчилар ўртача ойлик сонининг энг кам меъёри – 35 киши.



¹МВ ва ДСҚнинг АВ томонидан 22.03.2012 йилда 2439-сон билан рўйхатдан ўтказилган қарорига 10-илова.

Чакана савдо корхоналари («Август ойдаги тузатишлар билан») ва умумий овқатланиш корхоналари («Столларга қараб ҳисоблаймиз») учун ходимлар сони ва МҲТФнинг энг кам меъёрларини ҳисобга олган ҳолда 9 ой учун ҳисобот тайёрлашга доир тавсияларни «СБХ»нинг 8.10.2013 йилдаги 40 (1000) ва 15.10.2013 йилдаги 41 (1001)-сонларида ўқинг.

БИЗНИНГ МАСЛАХАТЛАР

НАФАҚАНИ ТЎҒРИ ҲИСОБЛАНГ

Корхонамизда меҳнат шартномаси бўйича ходимларга асосий меҳнат таътилига қўшимча таътил 9 кун деб белгиланган. Бир ходимга қўшимча таътил ўрнига пулли компенсация тўланди.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасининг ҳисоб-китоби чоғида ушбу компенсация ҳисобга киритиладими-йўқми, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Тоҳир, бухгалтер.

– Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини тайинлаш, ҳисоблаш ва тўлаш тартиби Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом (АВ томонидан 8.05.2002 йилда 1136-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган. Унга кўра, вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади. Нафақаларни ҳисоблашда асос қилиб олинадиган ҳақиқий иш ҳақи ва иш жойидан, сугурта бадаллари ундирилиб тўланадиган жами иш ҳақи тўловлари киради.

Сугурта бадали ҳисобланмайдиган иш ҳақи турлари Сугурта бадаллари қўшилмайдиган ва пенсияни ҳисоблаб чиқишда ҳисобга олинмайдиган иш ҳақи ва бошқа тўлов

турлари рўйхати (ВМнинг 11.05.1994 йилдаги 249-сон қарори билан тасдиқланган) асосида аниқланади.

Нафақаларни ҳисоблаб чиқаришда ҳисобга олинадиган иш ҳақининг барча турлари, шу жумладан, мазкур ойда иш ҳақи билан биргаликда тўланадиган ойлик мукофотлар уларнинг ҳақиқатда олинган вақти бўйича эмас, балки улар ҳисоблаб ёзилган вақт бўйича иш ҳақиға қўшилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик ёки ҳомиладорлик таътили бошланган ойдан олдинги 12 ой даврида олган ва сугурта бадаллари чегирилган барча мукофотларнинг 1/12 қисми нафақа ҳисоблаб чиқариладиган ойлик иш ҳақиға қўшилиб, ўртача ойлик иш ҳақи миқдори аниқланади.

Демак, нафақа ҳисоб-китоби ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб амалга оширилади. У қуйидагича аниқланади: ҳисобга олинадиган ойнинг (вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлинган ойнинг) тариф ставкасига (лавозим маошига) сугурта бадаллари ҳисоблаб ёзилган барча тўловларнинг 1/12 қисми қўшилади (1136-сон Низомнинг 52-банди).

Ягона ижтимоий тўлов ва сугурта бадаллари ҳисоблаб ёзиладиган меҳнат ҳақи тарзидаги даромадлар рўйхати Солиқ кодексининг 172-175-моддаларида келтирилган. Бинобарин, СКнинг 175-моддаси 1-бандининг "а" кичик бандига кўра, йиллик асосий (узайтирилган асосий) таътилга ҳақ тўлаш, шунингдек ушбу таътилдан фойдаланилмаганда, шу жумладан ходим билан меҳнат шартномаси бекор қилинганда пуллик компенсация тўлаш ишланмаган вақт учун тўлов тарзидаги даромадларга киради.

Шундан келиб чиқиб, сизнинг ҳолатингизда меҳнат ёки жамоа шартномасида назарда тутилган қўшимча таътилдан фойдаланилмаган тақдирда тўланадиган пулли компенсация ишланмаган вақт учун тўлов бўлиб ҳисобланади. Тегишинча, мазкур суммалар вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақасини ҳисоблаётганда ўртача ойлик иш ҳақи ҳисоб-китобига киритилиши керак.

ҚУРУВЧИЛАР СОНИ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Диққат! МХТФнинг энг кам меъёри аниқлашда август ойи учун энг кам иш ҳақи 86 138 сўмга тенг деб қабул қилинади.

5-бетда Қурилиш ишларининг технологик хусусиятлари ва бажариш графигидан келиб чиқадиган меҳнат сарфи нотекис бўлганда, шунингдек қурилиш ишлари амалга оширилаётган шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган смета ҳужжатлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланмаганда, қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёри қуйидаги формула бўйича ҳар бир календарь ой учун алоҳида аниқланади:

$$\text{ХС норм/ой} = \text{МСой} / \text{ИВФой},$$

бунда:

ХСнорм/ой – амалда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб аниқланган календарь ой учун қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёри;

МСой – амалда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида аниқланган ушбу календарь ой учун меҳнат сарфи (киши-соат);

ИВФ – ушбу календарь ойда 6 кунлик иш ҳафтасида ҳар бир қурувчи ишчига тўғри келувчи иш вақти фонди.

Смета ҳужжатлари тасдиқлангандан сўнг қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёри амалда бажарилган ишлар ҳажми бўйича қайта ҳисобланмайди.

МИСОЛ. Қурилиш ташкилоти савдо комплекси қурмоқда. Сметага кўра, уни қуришга қурувчи ишчилар меҳнатининг сарфи 10 724 киши-соатни ташкил этади. Қурилиш муддати – 4 ой.

Қурилиш ишлари графиги ва қурилиш технологиясига кўра объектдаги қурувчи ишчиларнинг меҳнати сарфи нотекис тақсимланган:

1-нчи ой – 2 458 киши-соат;

2-нчи ой – 3 105 киши-соат;

3-нчи ой – 3 231 киши-соат;

4-нчи ой – 1 930 киши-соат.

Қурувчи ишчилар ўртача ойлик сонининг энг кам меъёри ойлар бўйича қуйидагини ташкил этади:

1-нчи ой – 15 киши (2 458 / 168,5);

2-нчи ой – 18 киши (3 105 / 168,5);

3-нчи ой – 19 киши (3 231 / 168,5);

4-нчи ой – 11 киши (1 930 / 168,5).

Агар айрим қурилиш ишлари бўйича шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида меҳнат сарфи белгиланмаган бўлса, қурилиш ташкилоти ушбу ишларни бажаришга кетган амалдаги меҳнат сарфидан келиб чиқиб, қурувчи ишчилар сонини мустақил равишда аниқлайди (Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг² 16-2-банди, бундан кейин – 2173-сон Низом).

Ёрдамчи пудрат ташкилотдаги қурувчи ишчилар сонининг энг кам меъёрлари юқоридаги формулаларга асосан белгиланади (2173-сон Низомнинг 16, 16-1, 16-2-бандлари қоидаларини ҳисобга олган ҳолда).

Айрим турдаги қурилиш ишларини бажариш учун ёрдамчи пудрат ташкилотларини жалб этувчи бош пудратчининг қурувчи ишчилари сони энг кам меъёрлари қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\text{БПХСнорм} = (\text{МС} - \text{СПМС}) / \text{БМ} / \text{ИВФ},$$

бунда:

БПХСнорм – бош пудратчи қурувчи ишчиларнинг ўртача ойлик энг кам сони меъёри;

МС – шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ объектда қурилиш ишларини бажаришда меҳнат сарфи (киши-соат);

СПМС – шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари асосида тузилган сметага мувофиқ пудрат шартномаси асосида субпудрат ташкилотига топширилган объектда қурилиш ишларини бажаришда меҳнат сарфи (киши-соат);

БМ – пудрат қурилиш шартномаси асосига мувофиқ қурилиш ишларининг бажариш муддати (ой);

ИВФ – ҳар бир қурувчи ишчига 6 кунлик иш ҳафтасига ўртача ойлик иш вақтининг фонди.

020-сатрда бошқа фаолият турларини амалга оширувчи маъмурий ва техник ходимлар ҳамда ишчиларнинг умумий сони акс эттирилади.

030-сатрда 010 ва 020-сатрларни қўшиш орқали аниқланган умуман корхона бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёрлари келтирилади.

040-сатрда ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди кўрсатилади. Қурилиш ташкилотлари учун ишларнинг ўртача разряди 4 ни ташкил этади.

050-сатрда 4-разрядга мувофиқ келувчи тариф коэффициентлари кўрсатилади – 3,297.

060-сатрда иш берувчи жамоа шартномасига мувофиқ қўллайдиган қурилиш ишларидаги меҳнатга ҳақ тўлашнинг тармоқ оширувчи коэффициентлари кўрсатилади. Агар у жамоа шартномаси билан белгиланган бўлса, 1,15 микдорда қўланади.

070-сатрда белгиланган энг кам иш ҳақи кўрсатилади, у қуйидаги микдорга тенг:

2012 йил 1 декабридан 2013 йил 15 августигача – 79 590 сўм;

2013 йил 15 августидан – 91 530 сўм.

Август ойи учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини белгилашда ўртача ойлик энг кам иш ҳақи микдори – 86 138 сўм қўланади (МВ ва ДСҚнинг 17.09.2013 йилдаги ММ/04-01-32-14/781 ва 13/1-15653-сон қўшма хати).

III чорак учун Маълумотнома-ҳисобкитоб 050-сатрининг 3-устунида 79 590 сўм, 4-устунида – 86 138 сўм ва 5-устунида – 91 530 сўм кўрсатилади.

080-сатрда 030, 050, 060 ва 070-сатрлар кўрсаткичларини қўлайтириш йўли билан аниқланган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам меъёрлари акс эттирилади. У ҳисобот чорагининг ҳар бир ойи учун ҳисобланади. Сўнгра олинган рақамлар қўшилиб, чорак учун МХТФнинг энг кам меъёри аниқланади (6-устун тўлдирилади), у ҳақиқатдаги МХТФ билан солиштирилади.

090-сатрда ҳақиқатдаги МХТФ келтирилади – булар ЯИТ солиш объекти ҳисобланган, Солиқ кодексининг 172, 173, 174 ва 175-моддалари бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш кўринишидаги даромадлар ҳисобланади, фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича фаолиятни амалга оширувчи жисмоний шахсларга тўғри келувчи МХТФ бундан мустасно.

100-сатрда чорак учун МХТФ энг кам меъёрининг ҳақиқатдагисидан ошиш суммаси акс эттирилади (080 ва 090-сатрлар ўртасидаги фарқ). Агар ҳақиқатдаги МХТФ энг кам меъёрдиган ошса, у ҳолда 100-сатрда «0» рақами кўрсатилади.

110-сатрда тўловларнинг жами ставкаси кўрсатилади (2013 йилда – 39%).

120-сатрда бюджетга тўланадиган тўловларнинг қўшимча ҳисобланган суммаси кўрсатилади. У қўшимча ҳисоблашга асос бўладиган базани (100-сатр) жами ставкага кўпайтириш йўли билан аниқланади.

МИСОЛ. Қурилиш ташкилоти супермаркет қурмоқда. Мазкур объект бўйича қуйидаги маълумотлар мавжуд:

тасдиқланган сметага кўра қурувчи ишчиларнинг меҳнат сарфи – 19 572 киши-соат;

қурилиш муддати – 6 ой.

Ташкилот жамоа шартномасига кўра қурилиш ишларида қўллайдиган тармоқ оширувчи коэффициентлари – 1,15.

МБХ ва техник ходимлар сони – 5 киши.

III чорак учун ҳақиқатда меҳнатга ҳақ тўлаш фонди – 27 250 000 сўм.

Қурувчи ишчилар ўртача ойлик сонининг энг кам меъёри 19 кишини ташкил этади (19 572 / 6 / 168,5). МХТФнинг энг кам меъёрини ҳисоблаш учун қабул қилинадиган ходимлар сони – 24 киши (19 + 5).

III чорак учун энг кам МХТФ 23 409 758 сўмни ташкил этади, шу жумладан:

июль ойи учун – 7 242 467 сўм (24 x 3,297 x 1,15 x 79 590);

август ойи учун – 7 838 317 сўм (24 x 3,297 x 1,15 x 86 138);

сентябрь ойи учун – 8 328 974 сўм (24 x 3,297 x 1,15 x 91 530).

У ҳақиқатдаги МХТФдан кам, шу сабабли қўшимча ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Мисол маълумотларига кўра Маълумотнома-ҳисоб-китобни тўлдирамиз:

III чорак учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди тўғрисидаги

МАЪЛУМОТНОМА-ҲИСОБ-КИТОБ

(қурилиш ташкилотлари томонидан тўлдирилади)

Кўрсаткич номи	Сатр	Кўрсаткич			
		1-ой	2-ой	3-ой	чорак
1	2	3	4	5	6
Асосий ходимлар (қурувчи-ишчилар) сонининг энг кам меъёри	010	19	19	19	X
Маъмурий ва техник ходимлар ҳамда бошқа фаолият турлари бўйича фаолият олиб борувчи ходимлар сони, жами	020	5	5	5	X
Корхона бўйича ходимлар сонининг энг кам меъёри, жами (010-сатр + 020-сатр)	030	24	24	24	
Асосий фаолият тури бўйича ягона тариф сеткаси бўйича ишчиларнинг ўртача разряди тариф коэффициенти	040	4	4	4	X
Ягона тариф сеткаси бўйича ишларнинг ўртача разряди тариф коэффициенти	050	3,297	3,297	3,297	X
Тармоқ коэффициенти	060	1,15	1,15	1,15	X
Энг кам иш ҳақи микдори, сўм	070	79 590	86 138	91 530	X
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёри, сўм (030-сатр x 050-сатр x 060-сатр x 070-сатр)	080	7 242 467	7 838 317	8 328 974	23 409 758
Ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фонди, сўм	090	X	X	X	27 250 000
Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрининг ҳақиқатдаги меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ортиб кетиши, сўм (080-сатр – 090-сатр)	100	X	X	X	0
Тўловларнинг умумий ставкаси, %	110	X	X	X	39
Тўланиши лозим, сўм (100-сатр x 110-сатр / 100)	120	X	X	X	0

Тушунтиришлар «Norma Ekspert» мутахассисларининг эксклюзив ишланмаси саналади. Уларни ОАВларда, шу жумладан электрон ОАВларда қайта босишга «Norma» газеталари бирлашган таҳририяти» МЧЖ ва «Norma Ekspert» ХКнинг ёзма рухсатномаси билангина йўл қўйилади.

²Молия вазирининг АВ томонидан 28.12.2010 йилда 2173-сон билан рўйхатдан ўтказилган буйруғи билан тасдиқланган.

ВАСИЯТ ҚИЛГАН МАЪҚУЛМИ ЁКИ ҲАДЯ ҚИЛГАН?

Тоғам менга квартираларини қолдирмоқчилар, бироқ қайси ўл – васият қилишми ёки ҳадя қилишми – яхшироқ эканлигини билмаяптлар. Марҳамат қилиб айтсангиз, васият билан ҳадя ўртасида қандай фарқ бор ва уларнинг қайси бири маъқулроқ?

Т.Самойлова, талаба.

– Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Мерос қолдирувчи (мол-мулк эгаси) васият қилаётган пайтида ҳар қандай мол-мулк, ҳатто ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли (*Фуқаролик кодекси (ФК)нинг 1120-моддаси*). Васиятнома тасдиқлаш чоғида васият қилувчи мол-мулкка бўлган эгаллик (мулк) ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этиши керак эмас. Яъни назарий жиҳатдан хоҳлаган нарсани: “Осмондаги ой”, кўшининг квартираси ва ҳоказоларни васият қилиш мумкин. Агар мерос очиш пайтида бундай мол-мулк унга мулк ҳуқуқида тегишли бўлса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Ҳадя шартномасига мувофиқ эса бир тараф (ҳадя қилувчи) бошқа тараф (ҳадя олувчи)га ашёни текинга мулк қилиб беради ёки бериш мажбуриятини олади ёхуд унга ўзига ёки учинчи шахсга нисбатан

мулк ҳуқуқи (талаби)ни беради ё бериш мажбуриятини олади, ёхуд уни ўзи ёки учинчи шахс олдидаги мулкни мажбуриятдан озод қилади ёкинчи озод қилиш мажбуриятини олади (*ФКнинг 502-моддаси*). Масалан, унинг қарзга олган йирик суммадаги пул ёки ижарага олинган автомобилдан воз кечиш – “совға қилиш” кўринишида. Бунда қонун ҳужжатларида ҳеч қандай шароитда бошқа шахсларга ўтказилмайдиган мажбуриятлар белгиланган.

Кўчмас мулкни ҳадя қилиш шартномаси нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши керак.

Шу сабабли ҳадя шартномаси ва васият турли нарсалар ҳисобланади. Кўчмас мулк (масалан, квартира) ҳадя қилинганда у шартнома давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин мулкка ўтади. Бунда ҳадя қилингандан кейин ҳадя қилувчининг мазкур мол-мулкка нисбатан ҳеч қандай дахли қолмайди. Ва агар квартира ҳадя қилинса, ундан маҳрум бўлиш хавфи мавжуд. Мазкур ҳолда ҳадя олаётган шахснинг ҳалоллигига ишонч ҳосил қилиш керак, холос.

Васиятнома расмийлаштириладиганда

эса мол-мулк унда кўрсатилган шахс мулкига васият қилувчининг вафоти ва ворислик ҳуқуқлари расмийлаштирилгандан кейингина ўтади.

Бироқ васиятнома исталган пайтда ўзгартириш ёки бекор қилиш мумкинлигини ёдда тутинг. Васият қилувчи васиятнома ни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун исталган вақтда исталган нотариусга мурожаат қилиши мумкин. Мазкур далил, бир томондан, васият қилувчини мероснинг ноҳалол ишқибозларидан амалда тўлиқ ҳимоя қилади, бироқ бошқа томондан эса, қариндошлар ва бошқа меросхўрларни лақиллатиш имконини беради.

Бундан ташқари, васиятнома тузиш пайтида мажбурий улуш олишга ҳақли меросхўрлар – мерос қолдирувчининг вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз фарзандлари, шу жумладан фарзандликка олинганлари, шунингдек унинг меҳнатга лаёқатсиз умр йўлдоши ва ота-онаси, шу жумладан фарзандликка олганлар бўлиши эҳтимолини ҳисобга олиш керак (васиятнома мазмунидан қатъи назар, уларнинг ҳар бири қонун бўйича меросхўр бўлишда ҳар бирига тегишли бўлган улушнинг камида ярмига (мажбурий улуш) ворис бўладилар).

Агар васият қилувчи васиятнома ни хоҳласа ҳар куни бекор қилиши ва қайта ёзиши мумкин бўлса, ҳадя шартномасини бекор

қилиш анча мушкул. ФКнинг 507-моддасига кўра ҳадя олувчи ҳадя қилувчининг, унинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларининг ҳаёти ёки соғлиғига қарши атайлаб жиноят содир қилган ҳолларда ҳадяни бекор қилишга суд тартибида йўл қўйилади.

Ҳадя олувчи ҳадя қилувчини қасддан ўлдирган тақдирда ҳадя қилувчининг ворислари судда ҳадяни бекор қилишни талаб этиш ҳуқуқига эга.

Бироқ ҳадя олувчи ҳадядан фақат у ўзига топширилгунга қадар истаган вақтида уни рад этишга ҳақли (*ФКнинг 503-моддаси*).

Шунингдек ФКнинг 113-128-моддаларида битимни ҳақиқий эмас деб топиш мумкин бўлган асослар кўрсатилган, масалан:

руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги сабабли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро томонидан тузилган битим;

гарчи муомалага лаёқатли бўлсада, бироқ битим тузиш вақтида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуна олмайдиган ёки уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлган фуқаро томонидан тузилган битим;

жиддий аҳамиятга эга бўлган янглишиш таъсирида тузилган битим ва ҳоказо.

Қайси бири яхши – ҳадями ёки васиятми, деган саволган келсак – буни мол-мулк эгасининг ўзи ҳал қилсин.

Ахтам ҲИКМАТОВ, адвокат.

МЕРОС ҚОЛДИРУВЧИ ЎЗ ХОҲИШНИНГ ЎЗГАРТИРАДИ

Васиятнома тузиб бўлган квартирани совға қилса бўладими?

Дастлаб мен уни қиз неварамга қолдирмоқчи бўлдим. Бироқ энди унинг хулқ-атвори ва менга нисбатан муносабати туфайли квартирани ўғил неварамга совға қилишга қарор қилдим. Мен васиятнома ни ҳадяга қайта расмийлаштиришим мумкинми? Васиятнома ни бекор қилиш керакми ёки бошқа йўли борми?

Х.Бобоев, қария.

– Сиз васиятнома ни бекор қилмасдан туриб квартирани ўғил неварангизга (ёки бошқа қариндошга ёки бегона шахсга) совға қилишингиз мумкин – зеро унинг квартирага нисбатан ҳақиқийлиги фақат мерос қолдирувчининг вафоти пайтида белгиланади.

Албатта, агар хоҳласангиз, васиятнома ни исталган вақтда ўзгартиришингиз ёки бекор қилишингиз мумкин. Бироқ васиятнома тузган шахс ушбу васиятнома билан боғланмаганлигини қайд этишни хоҳлардик. Яъни васият қолдирувчининг ҳаётлигида васиятнома ворисларга ҳеч қандай ҳуқуқ бермайди. Илгари расмийлаштирилган васиятнома ни бекор қилиш ёки ўзгартириш ёхуд янгисини тузиш

учун исталган нотариусга мурожаат қилиш мумкин.

Аслини олганда, васиятномага нисбатан умуман ҳеч қандай ҳаракат содир этмаслик ва квартирани ҳадя этиш шартномасини неварангиз номига дадил расмийлаштириш мумкин, чунки квартирага нисбатан васиятнома ни ҳақиқийлиги фақат мерос қолдирувчининг (васият қилувчининг) вафоти пайтидагина белгиланади. Агар мерос қолдирувчининг вафоти пайтида квартира совға қилинса, васиятномада эса ушбу квартирага нисбатан кўрсатма бўлса, васиятнома ни ушбу қисми ҳақиқий эмас деб топилади, чунки мерос қолдирувчининг мулкида унинг вафот этиш пайтида ушбу квартира бўлмаган.

ФАҚАТ ЎЗ МУЛКИНГИЗНИ ВАСИЯТ ҚИЛИНГ

Мен аёлим ҳам бирга яшайдиган квартирамни васият қилмоқчиман. Шу муносабат билан менда савол туғилди: васиятнома ни нотариусда расмийлаштириш мажбурийми ва аёлимнинг розилигини олиш лозимми?

В.Финютин, Чирчиқ шахри.

– Ҳа, васиятнома албатта ёзма шаклда тузилиши ва нотариал тасдиқланиши лозим. Фуқаролик кодексининг 1126-моддасида санаб ўтилган айрим мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган васиятнома лар ҳам нотариал тасдиқланган васиятнома ларга тенглаштирилади (масалан, касалхоналар ёки госпиталларда даволанаётган фуқаролар томонидан тузилган, ана шу муассасаларнинг бош врачлари томонидан тасдиқланган васиятнома лар).

Фуқаро васият қилаётган пайтида ҳар қандай мол-мулк ва ҳатто васиятнома тузиш пайтида ўзига тегишли бўлмаган мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли. Агар мерос очилган пайтга қелиб, бундай мол-мулк унга тегишли бўлиб

қолса, тегишли фармойиш ҳақиқий ҳисобланади.

Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни вафот этган тақдирда тасарруф этиш хусусидаги шахсий хоҳиш-иродаси васиятдир. Васият бир тарафлама битим ҳисобланиши сабабли, уни тузиш учун мерос қолдирувчига меросхўрлар ёки бошқа шахсларнинг розилиги талаб қилинмайди. Мерос қолдирувчи бирор-бир шахсга васиятнома тузилгани, унинг мазмуни, уни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисида маълум қилишга мажбур эмас.

Фуқаро ўзининг барча мол-мулкни ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга юридик шахсларга,

давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин. Мерос қолдирувчи сабабини тушунтирмасдан қонун бўйича бир, бир неча ёки ҳатто барча меросхўрларни меросдан маҳрум қилиш ҳуқуқига эгадир.

Мазкур ҳолда ҳам аёлингизнинг розилиги талаб қилинмайди. Сиз шуни билишингиз лозимки, агар мазкур квартира у билан никоҳ даврида харид қилинган бўлса, квартира сизнинг номингизга қайд этилган бўлишига қарамай, аёлингиз ушбу квартирада улушнинг 1/2 қисмига шерик мулкдор ҳисобланади, агар, албатта, сизларнинг ўртангиздаги шартномада ушбу мол-мулкни тақсимлашнинг бошқача тартиби белгиланмаган бўлса. Мерос мол-мулкни тақсимлашда эса аввал вафот этмаган умр йўлдошининг улуши ажратилади, у мерос қилиб қолдирилган мол-мулк таркибига кирмайди, сўнгра вафот этган умр йўлдоши мол-мулкнинг мерос қоладиган қисми белгиланади.

10 йил аввал бобом менинг номимга васиятнома тузиб, уни нотариусда қонуний расмийлаштирган эди. Энди эса кўп йил ўтганлиги боис менда шубҳа туғилиб қолди: васиятнома ҳозир ҳам ҳақиқий ҳисобланадими? Унинг муддати тугамаганми? Бобом ақл-ҳуши ва соғлиғи жойида эканлигида уни бирор-бир давр мобайнида (масалан, ҳар 3 йилда) тасдиқлаши керакми? Мен васиятнома тузиш чоғида келгусида меросни қабул қилиб олишга ўз розилигини беришим керак эдимми?

Абдулхай Д., Наманган вилояти.

ВАСИЯТНОМА – МУДДАТСИЗ ҲУЖЖАТ

– Агар бобонгиз васиятнома ни ўзгартирмаган ва бекор қилмаган бўлса, 10 йил ўтганига қарамай, у ҳақиқийдир.

Васиятномада амал қилиш муддати бўлмайди. Шу боис уни тасдиқлаш керак эмас.

Васиятнома уни бекор қилишлари ёки ўзгартирмагунларича амал қилади – зеро мерос қолдирувчи васиятнома тузилгандан кейин исталган пайтда уни бекор қилиш ёки ўзгартириш ҳуқуқида эркин ва бунда бекор қилиш ёки ўзгартириш сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Ўзининг бутун умри мобайнида фуқаро кўплаб васиятнома лар тузиши мумкин. Умумий қоидага кўра энг охириги васиятнома амал қилади. Бироқ шундай бўладими, охириги васиятнома аввалгисининг фақат бир қисмини бекор қилади. Зеро мерос қолдирувчи янги васиятнома тузиб, аввалгисини умуман бекор қилишга ёки ундаги айрим васият фармойишларини бекор қилиш, ўзгартириш ёхуд қўшимча киритиб ўзгартиришга ҳақли. Илгари тузилган васиятнома ни кейинги васиятнома тўлиқ ёки янгисига зид бўлган қисмида бекор қилади. Кейинги васиятнома билан тўлиқ ёки қисман бекор қилинган васиятнома, агар охириги васиятнома ни ўз навбатида мерос қолдирувчи бекор қилмаган ёки ўзгартирмаган бўлса, тикланмайди.

Васиятнома мерос қолдирувчининг вафотидан кейин муайян оқибатлар юзага келишини назарда тутадиган бир тарафлама битимдир. Шу сабабли бобонгиз васиятнома тузаётганда сизнинг розилигингиз талаб қилинмайди.

Агар ворис меросдан воз кечишни хоҳласа, у буни мерос очилган кундан бошлаб исталган вақтда, мерос очилган жойдаги нотариусга тегишли ариза бериш йўли билан амалга ошириши мумкин.

Бугунги кунда шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида кўплаб ҳар хил машиналарни, шу жумладан хорижда ишлаб чиқарилган автомобилларни учратиш мумкин. Ҳолбуки, яқин-яқинларгача ҳам оддий "Жигули" машинаси танқис бўлганлигини катта ва ўрта авлодга мансуб кишилар яхши эслашади. Ушанда одамлар машина олиш учун касаба уюшмалари кўмиталарида навбатга ёзилиб, йиллаб кутар эдилар. Баъзилар ажратилган ҳар қандай машинани, ҳатто "Запорожец"ни жон-жон деб олса, бошқалар орзулаган моделдаги "Жигули"ни кутиб навбатни ўтказиб юборарди.


Баъзи жиноятлар автомобиль борасидаги бундай тақчиллик билан бевосита боғлиқ эди. Шундай жиноят орасида автомобилларни шунчаки сайр қилиш учун, яъни транспорт воситасини ўзлаштириш нияти бўлмаган ҳолда олиб қочиш ҳодисалари кўп учрарди. Бундай ҳолларда ёшлар, кўпинча вояга етмаган ўсмирлар обдан сайр қилгач, машинани дуч келган жойда ташлаб кетишарди. Машина бешикаст бўлса баҳарнав-а, баъзан уни уриб пачоқланган ҳолда топишарди. Негаки, машинани олиб қочганларнинг ҳайдовчилик бобидаги билими ҳамин қадар эди. Тўғри, ўз тажрибамда машина олиб қочувчи "профессионал"ни учратганман. У шундай қилмиши учун судланган бўлса-да, қушдек учадиган машинада сайр қилишдан ўзини тия олмас экан. Унинг автомобиль олиб қочишга суяги йўқ – машинани зўр ҳайдарди. Уша йиллари машина сотиб олишга унинг қурби етмасди – оиласи қўл учиди кун кўрарди. Очигини айтганда, озми-кўпми таъминланган дейиш мумкин бўлган оилалар ҳам автомобиль сотиб олиш учун керакли маблағни йиллар мобайнида йиғишга мажбур эди.

Аммо ростмана жиноятлар ҳам учраб қоларди. Бунда автомобилларни кўпроқ бошқа ўлкаларда, одатда Кавказда қайта сотиш учун ўғирлашарди. Баъзан эса эҳтиёт қисм учун машинани олиб қочишлар ҳам учраб турарди. Зотан ўша кезлари эҳтиёт қисмлар ҳам тақчил эди.

Яхшиямки, машина олиб қочиш ва ўғирликлар, одатда, автомобиль эгалари ёки ҳайдовчилари ҳаётига суиқасд қилиш билан боғлиқ бўлмасди. Таассуфки, автомобиль ўғирлаш баъзан

учун кўрсатишган ва ҳар сафар майит бегона одам бўлиб чиққанидан улар бироз энгил тин олишган.

Орадан уч ҳафта ўтгач, милиция машина тузатиш устахоналаридан бирида маркаси ва ранги йўқолган "Жигули"га ўхшаш машина турганлиги ҳақида тезкор хабар олди. Устахонада тинтув ўтказилди ва у ерда сарғиша ВАЗ-2103



«Ё ХАЁТ, МАШИНА?»

қотиллик билан хотима топарди. Ўтган аср 80-йилларининг бошларидаги бир жиноят иши ёдга тушди.

Учинчи моделдаги "Жигули"ли бўлганидан бахтиёр ўрта ёшлардаги, миқтидан келган киши эрталаб зарур иш билан машинада чиққанича уйига қайтиб келмаган. Табиийки, қариндош-уруғлари милицияга мурожаат қилишган. Машинани ва унинг эгасини қидириш ишлари аввалига ҳеч қандай натижа бермаган. Хотини, ота-онаси, яқинлари бир неча ҳафта мобайнида қандай кунларни бошидан кечирганлигини тасаввур қилиш қийин эмас. Бу орада уларга бир неча номаълум эркак мурдасини таниб олиш

машинаси топилди. Аммо давлат регистрация рақами (рақам белгилари), агрегатлар, яъни кузов ва двигатель рақами йўқолган автомобиль рақамларига мос эмасди. Шуниси ҳам борки, двигательни алмаштириш, кузов рақамини эса қайта уриб ёзиш мумкин. Бунинг устига ДАН бўлимида текширилганда устахонада топилган автомобилнинг рақам белгилари регистрация қилинмаганлиги маълум бўлди. Хуллас, бу машинани синчиклаб текшириш учун барча асослар бор эди.

Бизга агрегатларнинг рақамларини текшириш юзасидан экспертиза ўтказиш топширилди. Бундан ташқари, экспертлар мазкур автомобилнинг деталлари

ўзгартирилмаганмикан деган саволга жавоб топишлари керак эди.

Текширишлар асносида шу нарса аниқландики, двигательнинг рақами ўзгартирилмаган, кузов маркировкаси эса қайта уриб туширилган рақамлардан иборат эди. Ундаги дастлабки рақамларни тиклашга муваффақ бўлдик, бу рақамлар йўқолган автомобиль кузови рақамлари билан бир хил эди. Кузов деталларини трассологик ва суд-кимё текшируви шуни кўрсатдики, деталларнинг бир қисми, шу жумладан двигатель ўзгартирилган. Машинанинг яқинда бўлганлиги ҳам аниқланди. Автомобиль сотишга тайёр қилиб қўйилган экан.

Шу зайил айна қидирилатган автомобиль топилганлиги аниқланди. Аммо машина эгаси қани? Устахона ходимлари билан олиб борилган тергов ишлари асносида дарҳол бўлмаса-да, ҳар қалай машина эгаси ўлдирилганлиги эътирофига эришилди. Жиноий гуруҳ иштирокчиларидан бири машина эгасининг мурдаси дарёнинг қаерига ташлаб юборилганлигини кўрсатди. Табиийки, дарёнинг бу жойида мурдани топиб бўлмади. Оқим бўйлаб пастроқдан изланди ва бир неча кундан кейин автомобили учун ҳаётидан маҳрум этилган бебахт машина эгасининг мурдаси топилди. У бу машинани сотиб олгунча озмунча заҳмат чекмаган: корхонада ва ҳовлисидаги иссиқхонада тиним билмай ишлаб пул тўплаган эди. Иссиқхонада гул етиштириб, давлат хизматидагидан кўра кўпроқ пул ишлаб топганлиги ҳам рост. Аммо бу бутунлай бошқа йўналишдаги гап.

Жиноий гуруҳ аъзолари – автомобиль тузатиш устахонаси ходимлари аввалига ўзларининг ғайриқонуний "бизнес иши"ни автомобиль ўғирлашдан бошлашган, кейин эса қотилликка ҳам қўл уришган. Улар қилмишига яраша жазо олди.

Ольга МАРШАНСКАЯ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Республика суд экспертизаси
марказининг давлат суд эксперти.

ШУНАҚАСИ ҲАМ БҮЛАДИ

ЖАННАТДАН ЖОЙ ОЛАМАН ДЕГАН... 100 000 ДОЛЛАР ТҮЛАЙДИ

Пул ишлаб топиш илнжида одамлар нималарни ўйлаб топмайди дейсиз?! Яқиндагина шундай "тадбиркорлар" Ойдаги участкаларни улгуржи асосда ва чаканалаб сотишганди. Мўмайгина давлати бўлса ҳам соддалиги қолмаган баъзи одамлар уларнинг қармоғига тезгина илина қолди. Бу борадаги бизнес шунчалик муваффақиятли бўлдики, тез орада курраи заминимизнинг доимий йўлдошида сотиш учун бўш жой қолмади.

Фириб аҳли пешвопарининг ворислари энди Марс ва Венерадаги участкаларни сотиш ҳаракатига тушдилар – бу сайёралардаги жой учун патент бера бошладилар. Бу кетишда бутун коинотни пуллаб юборсалар ҳам ажаб эмас.

Яқинда машҳур eBay онлайн-аукциониди савдога... жаннатдаги жой қўйилди. Бу ишга журъат этган нью-йорклик Ари Мон-

дель ўзини "илоҳиётчи атеист" деб атади. Кимошди савдосида лотга қўйилган тавсифда айтилишича, уни сотиб олишга мушарраф бўлган одамга нариги дунёда кавсар боғларидан жой тегармиш. Ўзини ана шундай бахтга мушарраф бўлганлар қаторида сановчи Мондель чиқимдан қочмаган одамга ёнидан жой бермоқчи.

ни ҳам сайловолди кампаниясига ҳам жалб этмоқдалар. 2011 йилда чиққан фармойишга кўра жодугар ва фолбин аёллар ғазнага 16 фоизли даромад солиғи тўлашлари керак. Улар ўз мижозларидан жоду ва афсун билан боғлиқ хатти-ҳаракатлари учун пул олгач, чек беришлари лозим – шу йўл билан "қилинган иш" учун жавобгарликни зиммага оладилар. Сехр-жоду ва афсунгарлик жабҳасида нон топадиганларга бу нарса ёқмади ва улар Дунай дарёси бўйига қатор чайлалар ўрнатиб олдилар. Улар куф-суф қилинган сувни дарёга оқизар эканлар, бу нарса маккор қонун ижодкорлари ҳаётини заҳарзаққум қилиши турган гап демоқдалар.

Хорижий матбуот материалларидан.

ЖОДУГАРЛИКДАН... СОЛИҚ

Руминияда жодугарлик расман касб деб эътироф этилган ва ҳатто махсус реестрга киритилган.

Бу мамлакатда жодугар ва афсунгарларга ҳаммиша алоҳида эътибор бериб келинган. Кўз тегишидан ўлгудек кўрқадиган Чаушеску даврида бу мутахассислик ғайриқонуний ҳисобланарди. Энди бўлса, жодугарларнинг меҳнати шифокорлар ёки шахтёрлар меҳнати билан тенг равишда муҳофаза этилади, уларнинг ўзи эса яқка тартибдаги тадбиркор саналади. Президентликка номзодлар рақиблари устидан ғалабага эришиш учун афсунгарлик билан шуғулланадиган аёллар-

Иқтисодий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ
СОЛИҚЛАР
БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ "Norma Hamkor" МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.

БОШ МУҲАРРИР
ФАРҲОД ҚУРБОНБОВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш.,
Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Тахририят тел. 283-44-27
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: gazeta@norma.uz,
normapress@mail.ru,
www.norma.uz
Нашр учун масъул:
Нодир Алимов

Муаллифлар фикри доим ҳам тахририят нуктаи назарига мос келмавермайдиган.
Тахририят муштариблар билан ёзилиб туриш имкониятига эга эмас.
«Norma маслаҳатчи»да эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кучириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «Norma» газеталари биллашган тахририяти» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

Газета ношир – "Norma" МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди
(Тошкент ш., Миробод тумани, Таллимаржон кўч., 1/1).
Индекс – 186 Буюртма 1204 Агади 2140. Баҳоюси келтирилган нархда
Газета АЗ ҳажмида, 2 шартли босма табақда чоп этилди.

Газета 2013 йил 14 октябрда соат 18.30 да топширилди.

ISSN 2010-5223